

## «Бисмиллаҳ»ни айтиб таомланишнинг фазилати



12:33 / 22.06.2025 1094

مُكْدَحَ الْكَا إِذَا لَاقَ مَسْوَهِ لَعْلَلِ الْبِئْسَ لَئِنْ عَاهَنَ لَلِضَّرَّةِ شَائِعٌ نَعُ  
هُلَّوْهُ لَلِمْسَبِ لُقَيْلَفٍ وَلَوْ أَيْفَ لَلِمْسَبِ لُقَيْلَفٍ نَأْيِ سَنَنْوْهُ لَلِمْسَبِ لُقَيْلَفٍ  
يَذْمُرْتَلَاوْ دُوَادُ وَبَأْهُ أَوْرُءُ خَأُو

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қачон бирортангиз таом еса, Аллоҳнинг исмини зикр қилсин. Агар аввалида Аллоҳнинг исмини зикр қилишни унутиб қўйса, «Бисмиллаҳи аввалаҳу ва ахироҳу» десин», дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.*

Баъзан таом тановул қилиш пайтида инсон шошилиб, «Бисмиллаҳ»ни айтиш эсидан чиқиб қолади. Бир оз еганидан кейин «Бисмиллаҳ»ни айтмагани эсига тушиб қолади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадиси шарифларига биноан, ана шундай вақтда «Бисмиллаҳи аввалаҳу ва ахироҳу» демоғи лозим.

Бу жумланинг маъноси «аввалида ҳам, охирида ҳам Бисмиллаҳ» дегани бўлиб, таомнинг баракасани қайтаради ва унга шайтон шерик бўлишини қирқади.

عَجَفَ بِأَخْصَانٍ مِّنْهُ تَسْفِي لِكُلِّ أَيِّ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لِيَصِيَّبَنَّ لَنَا كُنْتَلَا أَوْعَوْ  
مُكَافَكِي مَسْوَ لُهُ إِنَّمَا مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لِيَصَلَّاقَ فَنَيْتَمَقُولُ بَلَّكَ أَفِي بَارِعًا  
عَجَّصَ وَيَذْمُرْتَلَاهَا

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг олти саҳобалари билан таом емоқда эдилар. Бир аъробий келиб, икки луқмада (ҳаммасини) еб қўйди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Агар у тасмия айтганида, ҳаммангизга етар эди», дедилар».**

*Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ, деган.*

Бу ҳадиси шарифда ҳар бир одам таомни «Бисмиллаҳ»ни айтиб еса, у баракали бўлишига далолат бор.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг олти саҳобалари албатта «Бисмиллаҳ»ни айтиб, сўнг таом ейишни бошлаганлар. Аммо ҳалиги аъробийнинг «Бисмиллаҳ»ни айтмай таом егани баракани қочирди.

قَبِي مَلِي تَحَمَّسِي مَلَفُ لِكُلِّ أَيِّ لُجَرَوَّاسِ لِحَاجَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لِيَصِيَّبَنَّ لَنَا كَوْ  
كَحَضَفُ عَرِخًا وَهَلَّوْهُ لِمَسْبَلِ لَقِ هِي لِيَا عَفَرًا مَلَفُ هُمَقُولُ أَلِي هُمَا عَطْنَم  
مَسَارَكَ ذَامَلَفُ هَعَمُ لِكُلِّ أَيِّ نَاطِي شَلَّازَامَ لَقَامُ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لِيَصِيَّبَنَّ لَنَا  
يَسْنَلَاوْ دَوَادُ وَبَاهَا وَهِي عَطَقَتَسَلَا

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Бир киши таом ер эди. У тасмия айтмади. Фақат бир луқма таом қолгандагина «Бисмиллаҳи аввалаҳу ва ахироҳу» деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар ва:**

**«Шайтон у билан таом еб турди. Аллоҳнинг исмини зикр қилганида қорнидаги нарсани қусиб юборди», дедилар».**

*Абу Довуд ва Насайи ривоят қилганлар.*

Бу ҳам барчамиз учун дарс. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бор жойдаги ҳар бир ўтириш, ҳаракат ва сакинат ҳаммининг диққат эътиборида бўлиши маълум.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган жойда бир одам «Бисмиллаҳ»ни айтмай, таом тановул қила бошлади. Ҳамма дамани ичига ютиб, нима бўлар экан, деб кутиб турди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эса индамас эдилар. Ҳалиги киши эса таом ейишда давом этар эди. Энди нима бўлади? Атиги бир луқма таом қолганда бирдан эсига тушиб қолиб:

**«Бисмиллаҳи аввалаҳу ва ахироҳу» деди».**

**Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар ва:**

**«Шайтон у билан таом еб турди. Аллоҳнинг исмини зикр қилганда қорнидаги нарсани қусиб юборди», дедилар».**

Демак, таомни «Бисмиллаҳ»ни айтмай еган одам билан бирга шайтон ҳам унинг таомидан қўшилишиб еб турар экан.

Бу эса ҳам гуноҳ, ҳам таомнинг баракасини қочиришдир. Шунинг учун бу масалага жуда эҳтиёт бўлмоқ керак. Мабодо аввалида айтиш эсдан чиқиб қолган бўлса ҳам, эслаган заҳоти айтиш лозим.

Аллоҳнинг исмини зикр қилиб, сўнг таом ейишни бошлаш исломий овқатланиш маданиятининг бошида туради.

Албатта, таом Аллоҳ таоло томонидан бандага бериладиган улкан неъмат эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Доимо Аллоҳни эслаб туриши лозим бўлган банда учун неъматга эришган пайтда неъмат берувчи Зотни эслаш зарурати яна ҳам ортади. Ана шундай пайтда Аллоҳни – неъмат берувчи Зотни эсидан чиқарган одам хато қилган бўлади. Агар ўзи эслаб, хатосини тўғриласа, яхши. Агар унинг эсига тушмаса, атрофдагилар унга эслатиб қўйишлари лозим. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо шундай қилганлар.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 16-жуз**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 17 июндаги 03-07/3903- рақамли хулосаси асосида тайёрланди.

